

BO'LAJAK PEDAGOG- TARBIYACHILARNING KASBIY SHAKLLANGANLIK DARAJASINI NAZORAT QILISHNING PEDAGOGIK MUAMMOLARI



M.N.XUSHNAZAROVA

Qo'qon davlat pedagogika
instituti, Pedagogika fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD)

[https://doi.org/10.47689/STARS.
university-pp236-240](https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp236-240)

Annotatsiya : Ushbu maqolada bo'lajak pedagog-tarbiyachilarning kasbiy shakllanganlik darajasini nazorat qilishning pedagogik muammolari, ularda kasbiy faoliyat tajribasi-ning shakllanganligini nazorat qilishning muhim jihatlari mutaxassislarni tayyorlash tizimi oldiga qo'yilgan ijtimoiy buyurtma bilan belgilanishi, bu bo'lajak mutaxassisning kasbiy topshiriqlarni bajarish faolligi, ushbu jarayonda qanday holatlarga e'tibor qaratganligi professor-o'qituvchilar tomonidan nazorat qilinishi va baholanishi, bo'lajak pedagog-tarbiyachilarning amaliyot davridagi kasbiy-pedagogik faoliyati ham baholanishi, bunda bo'lajak pedagog-tarbiyachilarda bolalarni rivojlantirish jarayonida psixologik-pedagogik tahlil qilish ko'nikmasi shakllantirilishi masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: kasbiy shakllanganlik, pedagogik tahlil , psixologik tahlil, kasbiy-pedagogik faoliyat, kasbiy topshiriq, ijtimoiy buyurtma, bajarish faolligi, pedagogik yondashuv, ijodiy yondashish.

Республикамизда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган ушбу соҳани янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим ташкилотлари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масаласининг устувор вазифаларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача

таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳозирги давр учун долзарб масалалардандир.

Талабаларда касбий фаолиятнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш тадрижий асосда мураккаблашиб борадиган педагогик ҳодисадир. Касбий фаолиятни ўзлаштириш босқичма-босқич амалга оширилишини инobatга олган ҳолда, педагог-тарбиячиларнинг касбий ривожланиш даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш касбий фаолият тажрибасини ўзлаштириши, унинг мураккабликларини тушуна билиши ва ечимини топиши билан белгиланиши керак.

Бўлажак педагог-тарбиячилар фаолиятини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- тарбияланувчиларга тақдим этиладиган дидактик материалларга ижодий ёндаша олиши;
- педагогик жараёнларда ҳамкорликни таъминлаш усуллари билиши;
- болалар билан мулоқотга кириша олиш кўникмаларининг шаклланганлиги кабилар.

Ушбу кўрсаткичлар бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий шаклланганлигини муайян даражада ифодалайди. Шу билан бир қаторда, бўлажак педагог-тарбиячиларда бир қатор сифатлар ҳам шаклланган бўлиши керак. Улар:

- касбий билимдонлик;
- педагогик ёндашувларни ўзлаштирганлик;
- касбий фаолиятга операцион-технологик тайёрлик;
- касбий фаолиятга ижодий ёндашиш кабилар.

Талабаларда касбий фаолият тажрибасининг шаклланганлигини назорат қилишнинг муҳим жиҳатлари мутахассисларни тайёрлаш тизими олдида қўйилган ижтимоий буюртма билан белгиланади. Бу бўлажак мутахассиснинг касбий топшириқларни бажариш фаоллиги, ушбу жараёнда қандай ҳолатларга эътибор қаратганлиги профессор-ўқитувчилар томонидан назорат қилинади ва баҳоланади. Шу билан бир қаторда, бўлажак педагог-тарбиячиларнинг амалиёт давридаги касбий-педагогик фаолияти ҳам баҳоланади. Бунда бўлажак педагог-тарбиячиларда болаларни ривожлантириш жараёнида психологик-педагогик таҳлил қилиш кўникмаси шакллантирилиши керак.

Бўлажак педагог-тарбиячилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий-ижодий фаоллигининг ошганлиги;
- бўлажак педагогларда жамоадошлари ва тарбияланувчилар билан ишчан мулоқотга киришиш, улар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш кўникмаларининг таркиб топганлиги;
- бўлажак педагог-тарбиячиларда мустақил билим олиш, тезкор қарорлар қабул қилиш, маълумотларни саралаш ва уларга қайта ишлов бериш кўникмаларининг шаклланганлиги;
- бўлажак педагог-тарбиячиларда касбий маҳорат, масъулият, тар-

тиб-интизом, ишбилармонлик сифатларининг ривожланганлиги кабилар.

Бунда бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий шаклланганлик даражасини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Педагогик амалиёт жараёнида методистлар ва педагог-тарбиячилар талабаларнинг касбий шаклланишига, уларда педагогик маҳоратнинг таркиб топишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тарбияланувчилар мактабгача таълим ташкилоти муҳитига кўникишида руҳий муаммоларга дуч келадилар. Уларнинг янги муҳит ва шароитга кўникишлари учун педагог-тарбиячилар яқиндан ёрдам беришлари керак. Бунинг учун педагог-тарбиячилар машғулотларга пухта тайёргарлик кўришлари, тарбияланувчиларнинг ҳолатларини тезкор назорат қилишлари, уларга ўз вақтида ёрдам беришлари талаб этилади.

Шу тариқа бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва уларни ўз-ўзини назоратга ўргатиш, ўз фаолиятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш учун махсус семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ташкил этиш лозим. Бунинг учун:

- бўлажак педагог-тарбиячиларнинг машғулотларни лойиҳалашга оид билимини бойитувчи машғулотлар;
- талабаларнинг билиш фаоллигини ривожлантирувчи машғулотлар;
- мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида болаларни ривожлантирувчи машғулотлар учун материаллар танлашга мўлжалланган семинарлар;
- машғулотлар жараёнида болаларнинг ташаббускорлиги, мустақиллигини ривожлантирувчи вазиятларни лойиҳалаштиришга ўргатувчи амалий машғулотлар ўтказишни тавсия қиламиз.

Педагог-тарбиячилар ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатларни қуйидаги кўрсаткичларга кўра баҳолаш мумкин:

- тарбияланувчилар билан мулоқотда уларнинг ўзига хос, ёш ва индивидуал хусусиятлари, имкониятларига таяниш;
- тарбияланувчилар билан амалий иш олиб боришда уларнинг хотираси, фикр-ўйлари ва педагогик жараёнлар орасидаги алоқани инобатга олиш;
- тарбияланувчиларга машғулотлар жараёнида топшириқларни тўлиқ етказиш ва уларнинг ривожланиш даражаларини мунтазам ташхислаш кабилар.

Педагогика туркум фанларини ўқитиш жараёнида бўлажак педагог-тарбиячиларни касбий фаолиятга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бўлажак мутахассиснинг фундаментал тайёргарликка эга бўлишида унинг жамиятни тараққий эттириш ҳақидаги тасаввурлари, табиат, шахс, фан ва маданият, истиқболдаги касбий фаолияти ҳақидаги муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши, коммуникация воситаларидан ўз ўрнида фойдалана олиши, шунингдек, ўзининг касбий фаолияти билан ўз билим ва маҳоратига қандай эришиши мумкинлигини билиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бўлажак педагог-тарбиячилар билан уларни касбий ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилади. Улар:

- 1) бўлажак педагог-тарбиячиларда ўз-ўзини баҳолашга оид кўникмаларни таркиб топтиришга қаратилган машғулотлар, яъни тестлар, савол-жавоблар, маъруза, давра суҳбатлари ташкил этилади;

2) педагогика туркум фанлари мазмунида бўлажак педагог-тарбиячилар касбий сифатларни шакллантиришга қаратилган мавзуларни тизимлаштириш, билимларни турли фан ўқитувчилари томонидан биргаликда ташкил этиладиган интеграцияланган таълим-тарбия машғулоти, ўқитувчиларнинг давра суҳбатлари, семинарлар шаклида тақдим этиш талаб қилинади;

3) таълим-тарбия аудиторияларида бўлажак педагог-тарбиячилар билан илғор педагогик технологиялар асосида машғулоти ташкил этилади;

4) мактабгача таълим ташкилотларида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида педагогик амалиётни ўтказиш стратегияси ишлаб чиқилади.

Бўлажак педагог-тарбиячи касбий маҳорати унинг педагогика, психология, мактабгача таълим педагогикаси ва методикасини қай даражада чуқур эгаллаганлиги ҳамда педагогик амалиёт жараёнида касбий кўникмаларни намоён қилганлигида ифодаланади. Талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва ма-лакалари уларнинг педагогик фаолиятида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни.

2. Nodirovna, Khushnazarova Mamura. «THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF TRAINING OF MANAGEMENT PERSONNEL IN THE PROCESS OF HIGHER PEDAGOGICAL EDUCATION.» INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 171-177.

3. Akbarovna, Abdullajonova Shaxnoza. «INCLUSIVE EDUCATION AND ITS ESSENCE.» INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.01 (2022): 248-254.

4. Adxam, Z. (2021). Педагогические факторы формирования чувства Родины на основе национальных и общечеловеческих ценностей у учащихся начальной школы. Среднеевропейский научный вестник, 17, 284-286. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.17.814>

5. Najmiddinova, Rahimova Feruza. «PEDAGOGICAL CONDITIONS OF IMPROVEMENT OF SOCIAL PEDAGOGICAL ACTIVITY OF STUDENTS ON THE BASIS OF MULTIMEDIA TOOLS.» INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.07 (2022): 108-112.

6. Erkinovna, Yuldasheva Malohat. «DEVELOPMENT OF THE COGNITIVE ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS IN INNOVATIVE EDUCATIONAL CONDITIONS AS A SOCIAL PEDAGOGICAL NECESSITY.» INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 196-199

7. Abduhafizovna, Melikuziyeva Mavluda, and Yigitaliev Mirzoxid. «WAYS TO INCREASE THE LEGAL KNOWLEDGE OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS.» Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.02 (2022): 124-130..

8. Ключев, Роман Владимирович, et al. «ИССЛЕДОВАНИЕ И АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НАДЕЖНОСТИ ОТДЕЛЬНЫХ СТРУКТУРНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ЦИФРОВЫХ ПОДСТАНЦИЙ.» Вести высших учебных заведений Черноземья 1 (2021): 68-79.

9. Umarova, M. H. «Ethnic Related Toponyms of The Population in Surkhandarya Region.»

10. Nargiza, Yunusalieva. «SOCIAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS AND DEVELOPMENT OF VALUES.» Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.1 (2022): 300-305.

11. Ксамидовна, Мамаюсупова Ирода. «ОСНОВНЫЕ КРИТЕРИИ ДЛЯ РАЗРАБОТКИ ПРОГРАММ ОБУЧЕНИЯ КОНФЛИКТОЛОГИИ». МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК И МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ISSN: 2277-3630 Импакт-фактор: 7.429 11.06 (2022): 181-184.

12. Abdualiyevich Z. M. O 'QUVCHILARDA TAYANCH KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH ASOSIDA IJTIMOY FAOLLIKNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 330-333.

13. Мриксайтова С., Ерматова Ш. и Ходжаева Н. «Обучение студентов творческому мышлению посредством самостоятельного обучения в высших учебных заведениях является насущной проблемой». *Евро-Азиатские конференции*. Том 3. № 1. 2021.